

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЗРАТОВА ДИЛШОДА АЗАМОВНА

**ХИТОЗАН ИШТИРОКИДА СУВДА ЭРУВЧАН БЎЎВЧИ МОДДАЛАР
БИЛАН ИПАК ВА АРАЛАШ ТОЛАЛИ МАТОЛАРНИ ПАРДОЗЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хом ашёга дастлабки ишлов бериш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**
**Contents of dissertation for doctor of philosophy (PhD)
in chemical science**

Ҳазратова Дилшода Азамовна

Хитозан иштирокида сувда эрувчан бўёвчи моддалар билан ипак ва аралаш толали матоларни пардозлаш жараёнини такомиллаштириш.....3

Хазратова Дилшода Азамовна

Усовершенствование технологии колорирования шелковых и смесовых тканей на основе хитозана водорастворимыми красителями.....21

Khazratova Dilshoda Azamovna

Improvement of the technology of coloring silk and mixed fabrics based on chitosan with water-soluble dyes.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЗРАТОВА ДИЛШОДА АЗАМОВНА

**ХИТОЗАН ИШТИРОКИДА СУВДА ЭРУВЧАН БЎЎВЧИ МОДДАЛАР
БИЛАН ИПАК ВА АРАЛАШ ТОЛАЛИ МАТОЛАРНИ ПАРДОЗЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хом ашёга дастлабки ишлов бериш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/К411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Мирзахмедова Муниса Хакимджановна
техника фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил “9” декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил “20” ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил “20” ноябрдаги 117- рақамли реестр баённомаси).



И.К.Собиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

И.А.Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳон бўйича тўқимачилик соҳасида кимёвий реагентлар ва энергия ресурслари сарфини камайтириш, шу билан бирга дунё бозорида тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида уларнинг сифатини ошириш зарурати вужудга келмоқда. Бинобарин, ипак толали ва улар асосидаги аралаш толали матоларни органик интенсификаторлар иштирокида фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўйаш жараёнини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган илмий ва амалий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади. Ўз навбатда интенсификаторларнинг қўлланилиши ҳисобига қимматбаҳо бўёвчи модданинг минимал концентрациясида юқори иқтисодий самардорликка, шунингдек тўқимачилик маҳсулотларнинг юқори сифатига эришиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда хитозан биополимеридан фойдаланиб аралаш толали матоларни бўйаш, гул босиш ва яқунловчи пардоз беришда янги замонавий техника ва технологияларни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнларга таъсир этадиган муҳим омилларни аниқлаш, уларнинг рационал кўрсаткичларини илмий асослаш, хитозан иштирокида сувда эрувчан бўёвчи моддалар билан аралаш толали матоларни пардозлаш жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тайёр тўқимачилик материалларининг рақобатбардошлигини ошириш учун маҳаллий хомашёлар иштирокида табиий толали матоларни бўйаш жараёнини интенсификациялаш йўллари излаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тўқимачилик толалари билан реагентларнинг кимёвий таъсирлашуви асосида табиий толаларни бўйашнинг экологик ҳавфсиз, ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2016 йил 15 июндаги ПҚ-2547-сон «2016-2020 йилларда минерал хомашё

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан-техника тараққиётнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хитозан иштирокида тўқимачилик материалларини бўйаш ва ушбу жараёни интенсификациялаш соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда бўйланган матоларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш билан А.А. Sayed , М.Р. Julia, S.M.Hudson, С.С. Wang, В.Н. Vorndyорahуay, G.N. Sheth, В.П.Кричевский, В.В.Сафонов, В.П.Варламов, Н.А. Вахитова, И.И. Клочкова, К.Г. Скрыбин, И.И. Манюкова, Н.А..Нестерова каби бир қатор хорижий олимлар шуғулланиб келган.

Ҳозирда мамлакатимизда ипак ва целюлозали матоларни сувда эрувчан бўёвчи моддалар билан бўйаш, гул босиш ва якуний пардоз бериш бўйича Х.А.Алимова, М.З.Абдукаримова, Д.Б.Худайбердиева, И.А.Набиева, Г.А.Ихтиярова, М.Мирзахмедовалар, шунингдек турли хом-ашёлардан хитин, хитозан, карбоксиметилхитозан синтез қилиш бўйича Н.З.Хисматуллин, С.В.Немцев, В.М.Быкова, В.Ю. Новиков, И.Н.Коновалова, Е.Н.Рипачева каби россиялик олимлар тадқиқотлар олиб бормоқда. Республикамизда тут ипак курти ғумбагидан хитозан олиш ва уни пахта чигитини капсулалашда қўллаш бўйича ишлар ЎзРФА академиги С.Ш.Рашидова, Н.Р.Вохидова, М.Кадирханов, нобуд бўлган жонсиз асаларилардан ҳамда бошқа ҳашаротлардан хитозан ажратиб олиш бўйича ишлар Г.А.Ихтиярова, А.Хаитбаевларнинг изланишларида ўз аксини топди.

Бизнинг тадқиқотларда илк бора жонсиз асаларилардан ажратиб олинган хитозан бўйаш жараёнига интенсификатор сифатида ишлатилган. Хитозаннинг турли соҳаларда кенг ишлатилишига қарамасдан унинг ипак ва пахта-ипак толали матоларнинг бўйаш жараёнига таъсир механизмлари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф32019081633 «*Apis Mellifera* маҳаллий асаларилардан хитин ва хитозанни ажратиб олиш ва улар асосида биопарчаланадиган полимер плёнкалар олиш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёдан синтез қилинган хитозан ва узхитан интенсификатори иштирокида бўйаш технологиясини такомиллаштириш ҳамда фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўйланган

ипак ва пахта-ипак толали матоларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитозан иштирокида сувда эрувчан бўёвчи моддаларнинг матога фиксацияланиш жараёнини интенсификациялаш;

бўяш эритмаларида фаол ва кислотали бўёвчи моддаларнинг фиксацияланиш даражасини оширишга интенсификаторларнинг таъсирини аниқлаш;

бўялган ипак ва пахта-ипак толали матоларнинг физик-механик, ранг-сифат ва структура хоссаларини тадқиқ қилиш;

толаларга фаол бўёвчи моддаларнинг ковалент фиксацияланиш миқдориغا интенсификатор концентрациясининг таъсирини аниқлаш;

жонсиз асаларилардан синтез қилинган хитозан ва узхитан иштирокида ипак ва пахта-ипак матоларни бўяш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жонсиз *Apis Mellifera* асаларилардан ажратиб олинган хитозан, шунингдек узхитан (карбоксиметилцеллюлоза ва хитозан аралашмаси), ипак матоси, пахта-ипак толали мато, Туркия ва Хитойда ишлаб чиқарилган фаол ва кислотали бўёвчи моддалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети синтез қилинган хитозан иштирокида бўяш жараёнини интенсификациялаш, бўёвчи модданинг фиксацияланиш даражасига интенсификатор концентрациясининг таъсирини ўрганиш, пахта-ипак ва ипак толали материалларнинг ранг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий назарий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари, ИҚ-спектроскопия, УБ-спектроскопия, спектроколориметрия, сканерловчи электрон микроскопия (SEM), рентгенофазавий анализ, бўялган матонинг физик-механик хоссаларни аниқлашнинг стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ипак матоси учун бўяш эритмасининг таркибида жонсиз *Apis Mellifera* асалариларидан ажратиб олинган хитозандан интенсификатор сифатида фойдаланиш усули ишлаб чиқилган;

хитозан таркибидаги аминогруҳлар фаол бўёвчи моддалар билан реакцияга киришиши, протонланган NH_3^+ гуруҳлар кислотали бўёвчи моддалар билан ион боғларни, $-\text{OH}$ ва $-\text{NH}_2$ гуруҳлар эса фаол бўёвчи моддалар билан ковалент боғларни ҳосил қилиши исботланган;

хитозан билан ишлов берилган ипак матоларнинг сорбцион қобилияти ортиши, ипак ва целлюлозали толаларда сирт зарядлар ўзгариши аниқланган;

тола-хитозан-бўёвчи модда системасида боғлар хусусияти ва таъсирланишнинг кимёвий механизми, ҳамда фаол бўёқларнинг толада ковалент фиксацияланиш даражаси ва миқдориغا интенсификатор концентрациясининг таъсири аниқланган;

хитозан интенсификатори иштирокида ипак ва пахта-ипак аралаш толали матоларни бўяш технологияси такомиллаштирилган ва уларнинг бўяш жараёнига таъсир қилиш механизми аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жонсиз асаларилардан олинган хитозан ва узхитан асосида ипак ва пахта-ипак матоларни бўяш учун интенсификаторлар яратилган;

хитозан интенсификатори ва карбоксиметилцеллюлоза асосида ипак толасини сақлаган аралаш толали матоларни бўяш учун таркиб ишлаб чиқилган;

ипак толали матоларда рангнинг юқори сифат кўрсаткичларини таъминловчи фаол бўёвчи моддалар билан самарали интенсификатор иштирокида бўяш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий (ИҚ - спектроскопия, УБ - спектроскопия, оптик микроскопия) ва физик-механик тадқиқот усуллари натижаларининг мутаносиблиги шунингдек назарий ва тажрибавий изланиш натижаларининг ўзаро мослиги, тавсия қилинган тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга қўлланилиши ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ижобий баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёдан, яъни жонсиз *Apis Mellifera* асалариларидан олинган хитозан интенсификатор сифатида қўлланилганда фаол бўёвчи моддалар билан хитозан орасидаги кимёвий боғ хосил бўлишини, бўяш жараёнидаги бўёвчи модда миқдори камайиши ва ипак матоларига бўёвчи модда фиксацияланиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хитозан иштирокида ипак ҳамда пахта-ипак матолари бўялганда матонинг ранг сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги, бўёвчи модданинг фиксация даражасининг ортганлиги ва шу билан биргаликда кимёвий реагентлар (бўёвчи модда, электролит) сарфи камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Жонсиз асаларидан олинган хитозан ва узхитан ёрдамида ипак ва пахта-ипак матоларни бўяш технологиясини такомиллаштириш ва бўялган матоларнинг ранг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта-ипак матоларни узлукли ва ипак матоларни ярим узлуксиз усулда фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш жараёни «Vuxoro Brilliant Silk» Бухоро-Хитой МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачилик» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 04/13-2579-сон маълумотномаси). Натижада, бўяш эритмаси таркибига узхитанни киритиш эвазига ранг интенсивлигини 40% га ошириш имконини берган;

хитозан асосидаги интенсификаторлардан фойдаланиш технологияси “Vuxoro Brilliant Silk” МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачилик» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 04/13-2579-сон маълумотномаси). Натижада, ипак ва пахта-ипак матоларни бўяш учун хитозан ва узхитандан фойдаланиш натижасида бўялган матоларнинг ранг сифат кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини яхшилаш, шу билан бирга қимматбаҳо бўёвчи модда (27-30%) ва электролит миқдорларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация материаллари бўйича асосий натижалар 12 та конференцияларда муҳокамага қилинган бўлиб, уларнинг 7 таси халқаро ва 5 таси Республика илмий-амалий конференциялари ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, шулардан 2 та мақола халқаро журналларда (шулардан биттаси Скопус маълумотлар базасига киради) ва 3 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик материалларини бўяш технологиясининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида целлюлоза ва ипак толаларини турли хил бўёвчи моддалар билан бўяш жараёнларини оптималлаштириш усуллари, фаол ва кислотали бўёвчи моддалар ва хитозаннинг структура тузилиши, кимёвий хоссалари кўриб чиқилган, шунингдек экологик тоза полимер хитозан ажратиқ олишнинг замонавий усуллари ва уни табиий матоларни бўяш ва пардозлаш учун тўқимачилик саноатида қўлланилиши таҳлил қилинган.

Адабиётлар таҳлили хитозанни табиий матоларини бўяш учун қўллаш тўқимачилик маҳсулотларини сифатини яхшилаш билан бирга, энергия сарфини камайтириш, бўялган матонинг колористик хусусиятларини яхшилаш имкониятларини белгилаб берди. Адабий маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган ва улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Ипак матоларни бўяш ва тадқиқ қилиш услублари**» номли иккинчи бобида кимёвий материаллар, бўёвчи моддалар, ипак, шунингдек аралаш матоларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Узлукли ва ярим узлуксиз усулларда бўяш технологияси ва маҳаллий хомашё хитозан асосида бўялган матонинг ранг сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Хитозан иштирокида фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан ипак ва пахта - ипак матоларни бўяш жараёнини тадқиқ**

қилиш» деб номланган учинчи бобида жонсиз асаларидан олинган хитозан асосида ипак матоларни бўйлаб бўйича комплекс тадқиқот натижалари келтирилган. Хитозан биологик фаол аминополисахаридининг ипак матоларни бўйлаб учун интенсификатор сифатида хоссаларини аниқлаш учун унинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди (1-жадвал)


1-жадвал

Жонсиз асалари ва тут ипак қурти ғумбагидан олинган хитозанларнинг физик-кимёвий параметрлари

№	Номи	Намлик, %	Куллилик, %	Умумий азот миқдори, %	Кислотали муҳитда эрувчанлиги, %	Молекуляр масса, кДа
1	<i>Apis Mellifera</i> жонсиз асалари хитозани	10,3	0,58	8,31	10	162
2	<i>Bombix mori</i> Тут ипак қурти ғумбаги хитозани	9,6	0,62	7,37	9,5	282

1-жадвалдан кўришиб турибдики, жонсиз асаларилардан олинган хитозаннинг физик-кимёвий параметрлари тут ипак қурти ғумбагидан синтез қилинган хитозанга мос келади. Нобуд бўлган асаларидан олинган хитозандаги азот миқдорининг юқори ва молекуляр массаси кичик бўлади, шу асосида у 2%-ли сирка кислота эритмасида янада қовушқоқ эритмаларни ҳосил қилади (тегишлича 17,9 ва 12,0 Дл/г).




Кейинги босқичда хитозаннинг бўёвчи моддалар, шунингдек тола орасидаги ўзаро кимёвий таъсирланишлари ўрганилди (1-расм).



1-расм. Хитозан плёнкасининг рентгенограммаси

Хитозан плёнкасининг аморфлиги рентгенструктур анализ билан исботланди. Фаол ва кислотали бўёвчи моддалар хитозаннинг аморф плёнкасига фиксацияланади. Ўз навбатда, хитозан плёнкаси адгезион ва молекулалараро боғлар ҳисобига толага бирикади. Ҳосил бўлган боғларнинг мустаҳкамлиги 1,99 Н/см ни ташкил қилади.

Натижаларидан келиб чиққан ҳолда, хитозан тола сиртида плёнка ҳосил қилади деб тахмин қилиш мумкин, бунда у тола билан ёки бўёвчи модда билан, ёхуд иккала компонент билан бир вақтда таъсирлашади.




**2-расм. а) Хитозан эритмаларининг УБ-ютилиш спектрлари
б) Reactive blue K бўёвчи модда эритмаси
в) Reactive blue K бўёвчи модда ва хитозан эритмаси**

2-расмлардан кўринадики, с-расм а ва б - расмларнинг аддитив йиғин-дисидан сезиларли фарқ қилади. Спектрнинг 260-340 нм тўлқин узунлигида оптик зичликнинг кескин ортиши ҳамда 590-700 нм оралиқда, яъни спектрнинг кўриш соҳасида ўзгариш кузатилади. Бу шундан далолат берадики, эритмада бўёвчи модда ва хитозан орасида берилган шароитда кимёвий таъсирланиш вужудга келади.

Адабиётлардан маълумки, хитозан плёнка ҳосил қилиш қобилиятига эга. Ипак матонинг сиртини морфологик тадқиқ қилиш SEM - EVO MA 10 (Zeiss, Германия) сканерланган электрон микроскоп ёрдамида амалга оширилди. Хитозан билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган ипак матодан олинган микрофотосуратлар 3-расмда кўрсатилган.

Дастлабки тола (3 -расм, а) хитозан ёрдамида ишлов берилган тола (3-расм,б) билан таққослаганда хитозан тола сиртида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқарганини кўриш мумкин.




а)

б)

3-расм. Ипак матонинг микрофотосуратлари: (а) хитозан билан ишлов берилмаган; (б) хитозан билан ишлов берилган

3-расмдан кўринадикки, дастлабки матонингсирт қатлами (3-расм, а) бўш структурага эга, хитозан билан ишлов берилгандан кейин эса у бошқа кўринишни олади, яъни матонинг сирти текисланади, уланиш жойлари вужудга келади ва тола сиртида плёнка ҳосил бўлади.

Матонинг капиллярлигига хитозаннинг таъсирини ўрганиш мақсадида хитозан билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган ипак мато намуналари олинди. Хитозаннинг концентрацияси 0,5 дан 1,5 г/л гача ўзгартирилди. Олинган натижаларга кўра, турли хил концентрациядаги хитозан ипак матоси учун сўрилган суюқликнинг кўтарилиш баландлигига боғлиқлик графиклари тузилди (4-расм).




4-расм. Хитозан билан ишлов берилган ва берилмаган ипак матонинг капиллярлигига хитозаннинг таъсири

4-расмдан кўринадикки ипак матосини хитозан билан ишлов бериш жараёнида хитозаннинг концентрацияси ошиши билан сўрилган суюқликнинг кўтарилиш баландлиги сезиларли даражада ошади. Хитозан ипак толаси юзасида плёнка ҳосил қилиши натижасила тола юзаси текисланади ва суюқликнинг кўтарилиш ҳажми ортади.


Хулоса қилиб айтганда, матога полимер билан ишлов берилганда унинг сиртида плёнка ҳосил бўлиб, у бўяш жараёнида ранг интенсивлигининг ортишига олиб келади.

Хитозан ва фаол бўёвчи модда ўртасида қуйидаги кимёвий таъсирлашишлар бўлади:

а)




б)



Биринчи (а) реакцияда, хитозаннинг аминогруҳи ва бўёвчи модда фаол маркази углероди ўртасида “С-NH-C” кимёвий боғланиш содир бўлади, иккинчи (б) реакцияда хитозаннинг гидроксил гуруҳи ва бўёвчи модда фаол маркази углероди ўртасида “С-O-C” кимёвий боғланиш содир бўлади.

Кислотали муҳитда хитозан мусбат заряд – NH₃⁺ иони ҳолатида бўлади, фаол ва кислотали бўёвчи моддалар сувли эритмада диссоциланади ва манфий заряд олади, шунинг учун бўёвчи модда хитозан билан қуйидагича таъсирлашади:

с)



Кислотали бўёвчи моддалар, фаол марказга эга бўлмайди, фақатгина сувли эритмада рангли анион ва рангсиз катионга ажралади. Шунинг учун улар реакция(с) га мос таъсирлашади.

Бўяшда “Reactive blue K” монохлортриазин ва “Reactive red X-3B” дихлортриазин бўёвчи моддалари танлаб олинди. Хитозан концентрацияси 0,5 дан 1,5 г/л гача ўзгартириб борилди. Бўяшдан олдин хитозаннинг сирка

кислотадаги эритмаси матога шимдирилди ва 100-110°C ҳароратда қуритилди. Ипак ва пахта-ипак матони бўяшда анъанавий ва таклиф этилаётган таркиб 2 ва 3-жадвалларда келтирилган.

2-жадвал

Ипак матони фаол бўёвчи моддалар билан бўяш таркиби

№	Кимёвий моддалар, г/л	Анъанавий Таркиб	Таклиф этилаётган таркиб		
			1	2	3
1	Бўёвчи модда	0,6	0,4	0,4	0,4
2	Натрий карбонат	10	10	10	10
3	Натрий сульфат	20	15	15	15
4	Хитозан	-	0,5	1,0	1,5

3-жадвал

Пахта-ипак матони фаол бўёвчи моддалар билан бўяш таркиби

№	Кимёвий моддалар, г/л	Анъанавий таркиб	Таклиф этилаётган таркиб		
			1	2	3
1	Бўёвчи модда	0,6	0,4	0,4	0,4
2	Натрий карбонат	10	10	10	10
3	Натрий сульфат	20	10	10	10
4	Узхитан	-	10	15	20


Тайёр эритма бўяш ваннасига қўйилади. Бўяш эритмасининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда натрий сульфатнинг ўлчанган миқдори икки мартага: бўяшдан олдин 5 г/л, қолган миқдори (5 г/л) бўяш бошланишидан 30 дақиқадан сўнг киритилади, бир вақтнинг ўзида ишқорий агентнинг ўлчанган миқдори (10 г/л) қўшилади, 30 дақиқа бўялади ва ювилади.

Маълумки, ипакни фаол бўёвчи моддалар билан бўяшда кислотали ва ишқорий усуллардан фойдаланилади ва бўёвчи модданинг табиатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фиксацияланиш даражаси танланган усулга боғлиқ бўлади.


Эритмада хитозан молекуласи аминогуруҳ ҳисобига мусбат зарядга, тола ва кўпчилик бўёвчи моддаларнинг эритмалари эса манфий потенциалга эга бўлади.

Диссертациянинг “**Ипак ва пахта-ипак матоларни фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш технологиясини такомиллаштириш**” деб номланган тўртинчи бобда узлукли ва ярим узлуксиз усулда фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан икки босқичли бўяш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Табиий ипакни фаол бўёвчи моддалар билан бўялиши ярим узлуксиз технология бўйича ишқорий усул ёрдамида икки босқичда олиб борилади (5-расм). Иккинчи босқичда кучсиз ишқорий муҳитда (рН 10,0-10,5) бўёвчи модда ва ипак фиброини орасида ковалент боғланиш ҳосил бўлиб, у рангнинг ювишга нисбатан юқори мустаҳкамлигини таъминлайди.




5-расм. Узлукли усул билан пахта-ипак матоларни бўёш технологияси



6-расм. Ярим узлуксиз усул билан ипак матоларни бўёш технологияси

Пахта-ипак матоларни бўёшда фаол бўёвчи моддалардан фойдаланиш мумкин. Ёркин барқарор ранглارни олиш учун шундай шароит бўлиши керакки, бунда бўёвчи модда иккала толага ҳам бир хилда сингиши керак. NH_3^+ мусбат зарядини тутган узхитандан интенсификатор сифатида фойдаланиш бу камчиликларни бартараф этади.

Шуларни инобатга олган ҳолда кейинги изланишларда 34/66 нисбатдаги пахта-ипак матоларни бўёш жараёнига узхитан концентрациясини таъсири ўрганилди. (7-расм).



7-расм. Фаол бўёвчи моддалар билан бўялган пахта-ипак матонинг бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси ва ранг интенсивлигига ХИТОЗАН интенсификаторининг таъсири


Шундай қилиб, бўяш ваннага 15-20 г/л миқдорда узхитан ишлатиш орқали бўёвчи модданинг концентрациясини мато оғирлигига нисбатан 3 % ёки ундан камроқ ишлатиш мумкин, яъни 100 кг бўялган пахта-ипак мато учун 2 кг бўёвчи модда тежалди.

4-жадвал


Бўялган ипак матонинг турли хил физик-кимёвий таъсирларга чидамлилиги (балл)

№	Хитозан концентрацияси, г/л	Совунга чидамлилиги, балл. 40 ⁰ С	Терга чидамлилиги, балл	Ишқаланишга, балл	
				Ҳўл	Қурук
1	0	4/4/5	4/4/5	4/5	4/5
2	0,5	4/5/5	5/4/5	5/5	4/5
3	1,0	5/5/5	5/5/5	5/5	5/5
4	1,5	5/5/5	5/5/5	5/5	5/5


4- жадвалдан кўринадикки, хитозаннинг 1 г/л ли эритмаси билан ишлов берилган ва бўялган матонинг физик-кимёвий таъсирларга чидамлилиги юқори бўлади.




а)



б)



в)



д)

8-расм. ИҚ-фурье спектрлар а) Reactive blue K бўёвчи модда; б) бўялмаган ипак мато; в) бўялган ипак мато; д) Хитозан иштирокида бўялган ипак мато.

8-расмдан кўринадики, хитозаннинг ИҚ-спектрида 3600-3100 см⁻¹ соҳада кенг интенсив чизик кўринишида водород боғларни ҳосил қилувчи -ОН ва -NH гуруҳларнинг ютилиш чизиклари кузатилади. Фиброиннинг ютилиш спектрлари учун тегишлича 1620 см⁻¹, 1228,66см⁻¹, 1514,12см⁻¹ соҳаларда Амид I (C=O), Амид II (N-H, C-H), Амид III (C-N, N-H боғланган, CH₃-C) чизикларнинг мавжуд бўлиши хосдир. Фаол бўёвчи модда билан хитозан плёнкасининг бўялиши ОН-гуруҳлар валент тебранишларига хос бўлган ютилиш чизиклар интенсивлигининг 3600-3100 см⁻¹ соҳада ортишига олиб келади, шу билан бирга NH₃⁺гуруҳга тегишли валент тебранишларнинг йўқолиши ҳисобига чизикнинг торайиши кузатилади.

5-жадвал

Фаол бўёвчи моддалар билан бўялган ипак матонинг бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси ва ранг интенсивлигига хитозан интенсификаторининг таъсири

Ранг-сифат кўрсаткичлари	Бўёвчи модда хитозансиз	Бўёвчи модда + Хитозан 1,0 г/л
Бўёвчи модданинг толага боғланганлиги, г/кг	17	26
Бўёвчи модданинг фойдаланиш даражаси, %	56,6	86,6
Ранг интенсивлиги, К/S	5.0	6.8
Ранг интенсивлигининг ошиши К/S, %	-	36

5 - жадвалдан кўринадики, таклиф қилинган 1,0 г/л концентрацияли хитозан фаол бўёвчи модданинг фиксацияланиш даражасини 26 г/кг га оширади.

6-жадвал

Кислотали бўёвчи моддалар билан бўялган ипак матонинг бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси ва ранг интенсивлигига хитозан интенсификаторининг таъсири

Хитозан концентрацияси, г/л	Ранг интенсивлиги	Ранг интенсивлигининг ошиши, К/S	Бўёвчи модданинг толага боғланганлиги, г/кг	Бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси, %
-	6	-	16	53,3
0,5	8	18	24	80
1,0	9	36	25	83,3
1,5	11	40	25,5	85

6-жадвалдан кўринадики ипак матоларни кислотали бўёвчи моддалар билан бўяшда хитозан концентрациясининг ортиши билан ранг сифат кўрсаткичлари хам ортади.

Олиб борилган кенг камровли тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ипак ва пахта-ипак матоларни хитозан иштирокида фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш тайёр маҳсулотнинг юқори эксплуатацион хусусиятларини таъминлайдиган физик-механик ва ранг сифат кўрсаткичларини яхшилайти.

Тўқимачилик материалларини кимёвий пардозлаш, шу жумладан бўяш кўп факторли жараёнлар ҳисобланади. Олинадиган тажриба натижалари бири-бирига боғлиқ бўлган қатор омиллар таъсирига боғлиқ равишда кескин ўзгариб кетиши мумкин. Шунинг учун тажриба сонини камайтириш ва олинадиган натижаларни тасаввур қилиш мақсадида ипак ва аралаш толали матоларни бўяш жараёни бўйича тажрибалар математик режалаштирилди. Бунда кирувчи параметрлар сифатида хитозан (x_1) ва электролит концентрацияси (x_2), ҳарорати (x_3) қабул қилинди. Чиқувчи параметр сифатида фиксация даражаси (y_1), рангларни ювишга бўлган мустаҳкамлиги (y_2) ва ранг интенсивлиги (y_3) олинди.

7-жадвал

Факторларнинг ўзгарувчанлиги ва даражалари

Омиллар	Кодланганлик белгиси	Даражалар омиллари			Олинган ўзгаришлар
		-1	0	+1	
Хитозаннинг концентрацияси	X_1	0,5	1,0	1,5	0,5
Электролит концентрацияси (Na_2SO_4), г/л	X_2	10	15	20	5
Ҳарорат, °С	X_3	40	60	80	20

Тажрибаларни математик режалаштириш орқали фиксация даражаси бўйича регрессия тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлди.

$$y_1 = 85,395 + 3,495x_1 + 0,7117x_2 + 1,3617x_3 - 0,0883x_1x_2 - 0,4883x_1x_3 + 0,245x_2x_3 - 0,605x_1x_2x_3$$

Шу каби ювишга ва ранг интенсивлиги бўйича регрессия тенгламалар кодланган ўзгартурувчилар орқали куйидагича олинди.

$$y_2 = 4,5208 + 0,1875x_1 + 0,1458x_2 + 0,1458x_3 - 0,0208x_1x_2 + 0,0625x_1x_3 - 0,0625x_2x_3 + 0,0208x_1x_2x_3$$

$$y_3 = 6,6992 + 0,6825x_1 + 0,055x_2 + 0,0717x_1x_2 - 0,0558x_2x_3 - 0,0725x_1x_2x_3$$

Бир вақтнинг ўзида y_1 , y_2 ва y_3 оптимизация параметрларининг кўрсаткичлари хитозан концентрацияси 1г/л, электролит Na_2SO_4 концентрацияси 15 г/л сақлаган бўёвчи эритма билан 80 °С ҳароратда бўялган ипак матоси юқори натижаларни кўрсатди.

Шундай қилиб, биологик парчаланадиган табиий полимер – хитозан ёрдамида ипак ва пахта-ипак матоларни фаол бўёвчи моддалар билан бўяш технологияси такомиллаштирилди, бу эса юқори ранг сифат кўрсаткичларга эга ипак матоларни олиш имконини берди.

Синовлар “Buxoro Brilliant Silk” Бухоро-Хитой кўшма корхонасида олиб борилди ва ишлаб чиқаришга қўллаш далолатномаси олинди.

Кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун фаол бўёвчи моддалар билан анъанавий усул ва таклиф этилаётган усул бўйича қўлланилган материаллар ва олинган натижалар солиштирилди.

Натижаларни таққослаб хулоса қилишимиз мумкинки, хитозан ипак ва пахта-ипак матоларни бўяш жараёнини жадаллаштиришга, қимматбаҳо бўёқ ва электролит миқдорини камайтиришга ёрдам беради. Таклиф этилаётган технология бўйича бўялган матоларнинг сифат кўрсаткичлари, бўёвчи моддаларнинг толага боғланганлиги 8-9 г/кг га ва бўёвчи моддадан фойдаланиш даражаси 27-30 % га ошади.

Хитозан иштирокидаги технология асосида ипак матоларни ва узхитан асосида пахта-ипак матоларни бўяш эритмасидаги кимёвий материалларни тежаш натижасидаги иқтисодий самарадорлик 2000 п.м. учун 3122500 сўмни ташкил этди. (2021 йил 6 август нархларига кўра).

ХУЛОСА

1. *Apis Mellifera* асалариларидан синтез қилинган хитозан биринчи марта интенсификатор сифатида ипак ва пахта-ипак матоларини фаол ва кислотали бўёвчи моддалар билан бўяш жараёнига қўлланилди. Хитозан фаол бўёвчи моддалар билан кимёвий боғ ҳосил қилиб реакцияга киришиши исботланди, протонланган NH_3^+ -гуруҳлар кислотали бўёвчи моддадаги SO_3^- билан ион боғланиш ҳосил қилади, - OH ва - NH_2 гуруҳлар эса фаол бўёвчи моддалар билан кимёвий боғланиш ҳосил қилишда иштирок этади.

2. Тола-хитозан-бўёвчи модда системасида боғланишлар хусусияти ва ўзаро таъсирланишнинг кимёвий механизми таклиф қилинди. Сувда эрувчан фаол бўёвчи модда ва хитозан плёнкаси орасида содир бўладиган жараёнларнинг ўрганилиши, шунингдек хитозан плёнкасининг ипак мато билан таъсирланиш имкониятлари “мат-хитозан-бўёқ” системасида вужудга келадиган боғларнинг хусусияти тўғрисида фикр юритишга имкон беради, улар эса кўп ҳолда тўқимачилик материалларини бўяшда асосан ранг сифатини белгилаб беради.

3. Ипак ва пахта-ипак аралаш толали матоларни бўяш учун интенсификатор хитозан ва узхитан иштирокида янги таркиб ишлаб чиқилди ва улар асосида қимматбаҳо бўёвчи модда ҳамда электролит миқдорлари камайтирилди. Хитозан асосида бўяш жараёнларининг оптимал шароитлари ва бўяш эритмасида реагентларнинг концентрациялари аниқланди.

4. Биопарчаланадиган хитозан полимери ишлатилганда фаол бўёвчи модданинг юқори фиксация даражаси ва ранг интенсивлигини таъминлаши исботланди. Ипак матони бўяш жараёнида кўп омилли тажрибалар ўтказилиб, жараённинг математик режалаштирилди ва унга кўра хитозаннинг концентрацияси 1 г/л ва 1,5 г/л, электролит концентрацияси 15 г/л тутган бўёвчи эритма билан 80 °С ҳароратда бўялган матога бир вақтнинг ўзида у₁

(фиксация даражаси), u_2 (ювишга чидамлилиги) ва u_3 (ранг интенсивлиги) оптимизация параметрларининг юқори кўрсаткичларига эришилди. Хитозан интенсификатори иштирокида ярим узлуксиз усулда ипак матоларни бўяш технологияси такомиллаштирилди.

5. «Bukhara Brilliant silk» корхонасида ипак толали (крепдишин) ва пахта-ипак матоларни бўяш учун интенсификатор сифатида хитозан қўлланилганда тўқимачилик материалларнинг ранг ва сифат кўрсаткичлари ошган ҳолда қимматбаҳо фаол бўёвчи модданинг миқдори 30% га камайди, ҳамда кимёвий реагентлар тежалди.

6. Хитозан ва узхитан асосидаги матоларини бўяш учун ишлаб чиқилган янги таркибни қўллаш натижасида иқтисодий самарадорлик 2000 п.м ипак ва пахта-ипак мато учун 3 122500 сўмни ташкил этди. (2021 йил август ҳисобида).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНА ИСЛАМА КАРИМОВА**

ХАЗРАТОВА ДИЛШОДА АЗАМОВНА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ КОЛОРИРОВАНИЯ
ШЕЛКОВЫХ И СМЕСОВЫХ ТКАНЕЙ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА
ВОДОРАСТВОРИМЫМИ КРАСИТЕЛЯМИ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.PhD/K411.

Диссертация выполнена в Ташкентского государственного технического университета имени И.Каримова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич.
доктор химических наук, профессор

Мирзахмедова Муниса Хакимджановна
доктор технических наук (DSc)

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «9» декабря 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Административное здание, Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №117). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон- 5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан « 20 » ноября 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 117 от « 20 » ноября 2021 года).



И.К.Сабиров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.З.Маматов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

И.А. Набиева
Председатель разового научного
семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в области текстильной промышленности возникает необходимость о снижении затрат на энергоресурсы и химические реагенты с одновременным повышением качества текстильных продуктов для обеспечения её конкурентоспособности на мировом рынке. Следовательно, актуальными считаются научные и практические исследования по усовершенствованию процесса колорирования шелковых и смесовых тканей на её основе активными и кислотными красителями с использованием органических интенсификаторов. В свою очередь применение в качестве интенсификаторов хитозана важно добиться высокую экономическую эффективность при минимальной концентрации дорогостоящего красителя, а также повышением качество текстильных изделий.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на создание новой современной техники и технологии крашения, печатание и заключительной отделки текстильных материалов с использованием биополимера - хитозана. В связи с этим особое внимание уделяется выявлению важных факторов, влияющих на технологические процессы производства готовой продукции, научному обоснование их рациональных показателей, совершенствованию процесса отделки шелковых и смесовых тканей водорастворимыми красителями в присутствии хитозана.

В республике целях повышения конкурентоспособности готовых текстильных материалов проводится большая работа по интенсификации процесса крашения тканей из натуральных волокон с участием местного сырья, и достигаются определенные научные результаты. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан сформулированы важные задачи, в частности “повышения конкурентоспособности национальной экономики, ... широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий”.¹ При выполнении вышеуказанных задач особую значимость имеют научные исследования, направленные на разработку экологически безопасной, ресурсосберегающей технологии окрашивания природных волокон, на основе химического взаимодействия текстильных волокон и реагентов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № УП-3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» и 26 декабря 2016 года № УП-2698 «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы» и от 15 июня 2016 года № ПП-2547 «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной химической продукции на

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

основе глубокой переработки минерально-сырьевых ресурсов на 2016-2020 годы», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследования в области колорирования и интенсификации процесса крашения шелковых и смесовых текстильных материалов на их основе с применением крабового хитозана, а также изучением физико-механических свойств окрашенных тканей, занимались многие зарубежные ученые, такие как А.А. Sayed, М.Р. Julia, S.M.Hudson, С.С. Wang, В.Н. Vorndyорaуay, G.N. Sheth, В.П.Кричевский, В.В.Сафонов, В.П.Варламов, Н.А. Вахитова, И.И. Клочкова, К.Г. Скрыбин, И.И. Манюкова, Н.А.Нестерова и другие.

